

## ТУРДОШ ТИЛЛАРДАГИ БОЛАЛАРГА ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎРГАТИШ БЎЙИЧА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Махмудова Назокат Латифовна

Фарғона давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7371836>

**Аннотация.** Мақолада ўзбек тили жаҳондаги бой ва қадимий тиллардан бири эканлигига алоҳида аҳамият қаратилган ва тилнинг ёйилиши, уни ўрганишга бўлган эҳтиёж унинг тарғиботи билан боғлиқлиги, тарғибот учун аввало ўша тилни ўргатадиган манбалар, қўлланма ва китоблар, видеоматериаллар ҳам етарлича бўлиши кераклиги, турдош тилдаги болаларга ўзбек тилини ўқитишда нутқни ривожлантиришнинг тўрт тури, ҳамда ўзбек тилини ўргатиш жараёнида шахсий тажриба асосида баъзи тамойилларга эътибор қаратиш масалалари баён қилинган.

**Калит сўзлар:** Тил, ўзбек тили, туркий тил, давлат тили, турдош тил, тил маданияти, тил ўрганиши, тилишунослар.

## НЕКОТОРЫЕ КОММЕНТАРИИ ПО ОБУЧЕНИЮ УЗБЕКСКОМУ ЯЗЫКУ ДЕТЕЙ РОДСТВЕННЫХ ЯЗЫКОВ

**Аннотация.** В статье акцентируется внимание на том, что узбекский язык является одним из самых богатых и древних языков в мире, и распространение языка, необходимость его изучения связаны с его пропагандой, источников, руководств и книг, видеоматериалов, обучающих тому же языку, должно быть достаточно в первую очередь для пропаганды, четыре типа развития речи в обучении

**Ключевые слова:** язык, узбекский язык, турецкий язык, государственный язык, родственный язык, языковая культура, изучение языка, лингвисты.

## SOME COMMENTS ON TEACHING UZBEK LANGUAGE TO CHILDREN OF RELATED LANGUAGES

**Abstract.** The article focuses on the fact that the Uzbek language is one of the richest and ancient languages in the world, and the spread of the language, the need for its learning is associated with its propaganda, the sources, manuals and books, video materials that teach the same language should be enough first of all for propaganda, four types of speech development in teaching

**Keywords:** language, Uzbek language, Turkish language, state language, related language, language culture, language learning, linguists.

**Кириш (Введение/Introduction).** Халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёрқин ва бебаҳо маҳсули бўлган ўзбек тили жаҳондаги бой ва қадимий тиллардан биридир.

Ўзбекистонда 1989 йил 21 октябрда эл-юртимиз асрлар давомида орзу қилиб, интилиб ва курашиб келган давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши мамлакат суверенитети ва мустақиллиги сари қўйилган дастлабки дадил қадам эди. Айнан ана шу тарихий ҳужжатга биноан ўзбек тили мустаҳкам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди.

Истиқлол йилларида она тилимиз том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни юртимизда эркин ва озод, фаровон ҳаёт қуришдек буюк марраларга сафарбар этадиган беқиёс куч сифатида майдонга чиқди.

Бугун Ўзбекистонимиз “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган бош тамоийил асосида тараққиётнинг янги, янада юксак босқичига кўтарилмоқда[1]. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи тобора ошиб бормоқда.

Ўзбек тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланиб, халқаро минбарларда баралла янграмоқда. Хорижий мамлакатларда тилимизга эътибор ва уни ўрганишга қизиқиш кучаймоқда.

Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир[10].

**Адабиётлар таҳлили ва методология (Литература и методология/Methods).** Тил – миллатнинг фаҳри, ғурури, кўзгуси. Миллатларни ажратиб турувчи асосий белгилардан бири бу тил экан, ҳар бир инсон ўз тилини билиши, уни улуғлаши ва шу билан бирга бошқа миллатларнинг она тилига ҳам ҳурмат билан қараши лозим[11].

Ўзбек тилини мунтазам бойитиб бориш, унинг софлигини сақлаш, аҳолининг давлат тилидаги нутқ маданиятини юксалтириш асосий вазифамиз эканлигидан келиб чиққан ҳолда, давлат тилининг мамлакатимизда истиқомат қиладиган барча миллат ва элатлар учун бирлаштирувчи восита сифатидаги ўрни ва ролини кучайтириш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида 2020–2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ишлаб чиқилган[9].

**Натижалар (Результаты/Results).** Тилнинг энг содда шакли кундалик оғзаки нутқ бўлиб, уни ўрганиш болалиқдан бошланади, ўсмирлик даврида лингвистик фанларни ўзлаштириш асосида мукамаллашади. Маълумки, она тили бошқа миллий тилларни ўрганишга асос бўлиб хизмат қилади. Она тили бошқа тиллар ва фанларни ўрганишда замин вазифасини ўтайди. Агар инсон ўз она тилини яхши билмаса, бошқа тиллар ва фанларни ҳам ўргана ва ўзлаштира олмайди. Фанларни ўзлаштириш ҳамиша тилларни билиш билан боғлиқ ва бу шу жараённинг муҳимлигини тақозо қилади.

Тилнинг энг содда шакли болалар тилидир ва у кўпроқ номлаш табиатига эга, шунинг учун ҳам болалар тилида сўзларнинг боғланиши минимал технологияга эга. Ҳар кунги тилимиз шакли яшашнинг мураккаброқ технологиясига эга ва ақлга асосланган бу тил борлиқни илмий акс этиш учун етарли эмас, шунинг учун унинг заминида ақл, тафаккур ва интеллектга асосланган тил вужудга келган.

Ёш болаларда туғилганидан бошлаб уларнинг миллати ва келиб чиқишидан қатъий назар, она тили ва бошқа тилларни ўрганиш қобилияти пайдо бўлади. Бу қобилият уларда ихтиёрий равишда вужудга келади. Мана шу қобилият бола катта бўлган сари ва балоғатга етган сари сўниб боради. Аниқки, унчалик ривожланмаган тилда ҳам грамматик қоидалар мураккаб ва яширинган бўладик, ёши катталар баъзида уларни фаҳмлай олмайдилар, болаларимиз эса ҳеч қандай қийнчиликларсиз, онгсиз равишда чақалоқлик давридан турли тилларни эгаллайди. Демак, оғзаки тил ва инсон нутқи келиб чиқиши жараёни

манбаларини инсоният филогенези эмас, балки одам боласи илк онтогенези даврида ахтариш керак[6:25-26].

Инсонларда қадим замонлардан хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқиш мавжуд бўлган. Болаларда хорижий тилни ўрганиш – бу тил ҳақида маълумот олиш ва уни ўзлаштиришига эмас, балки ўқувчининг фаол мулоқотга киришиш жараёни ҳамдир[7:7].

Хорижий тилларни ўрганиш педагогикасини ўрганган олим И.А.Гришанованинг фикрича, хорижий тилни ўрганишда энг оддий, энг содда йўллари излаш ва қўллаш муҳимдир[3:28-29]. Болаларга хорижий тилни ўргатишдан кўзланган мақсад ўқувчиларни шу тилда муомалага ўргатишдир. Хорижий тилда муомала қила олиш учун ўқувчилар шу тилдаги сўз бойликларини эгаллашлари зарур. Тилдаги сўз бойликларини эгалламай туриб на тинглаб тушуниш, на гапириш мумкин. Хорижий тилни ўрганиш бола имконияти ва қобилияти қандай бўлишидан қатъи назар фойдалидир, чунки хорижий тил боланинг билиш жараёнлари – хотира, диққат, тафаккур, хаёл ва идрокининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Хорижий тил болани тил ўрганиш қобилиятинигина эмас, балки ўз она тилини ҳам яхши ўзлаштиришига таъсир кўрсатади.

Б.Беляевнинг фикрича, хорижий тил ўқитувчиси ўз фанинигина эмас, боланинг психофизиологик хусусиятини ҳам яхши билиши керак. Зеро, хорижий тилни ўзлаштириш орқали болада объектив оламнинг акс этиши ўзгариши мумкин. Тилнинг луғат таркибини эгаллаш ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтиради, уларнинг филология, тарих, маданият, географияга оид билимдонлигини оширади[3:29].

**Муҳокама (Обсуждение/Discussion).** Тилнинг ёйилиши, уни ўрганишга бўлган эҳтиёж унинг тарғиботи билан боғлиқ. Тарғибот учун аввало ўша тилни ўргатадиган манбалар, қўлланма ва китоблар, видеоматериаллар ҳам етарлича бўлиши керак. Ўзбек тили 1989 йилдан бери давлат тили экани, Ўзбекистонда 130дан ортиқ миллат вакиллари яшаши инobatга олинса, ўзбек тилини ўргатадиган мукамал қўлланмалар тузишнинг вақти келган деб ҳисоблаймиз.

Ўзбек тили туркий тиллар ичида турк тилидан кейин гаплашишладиган иккинчи катта тил ҳисобланади. Демак, бу тилда гаплашувчилар кўп. Лекин тилни ўргатадиган қўлланмалар, онлайн луғатлар йўқ. Бори ҳам номукамал.

Ўзбекистонда бўлиш ва кўпроқ одамлар билан мулоқот қилиш ўзбек тилини ўрганишни осонлаштиради. Лекин Ўзбекистонда узоқ вақтдан бери яшаб келаётган бошқа миллат вакиллари ўзбекчада ҳам гаплашиш, ҳам ёзишни ўрганиш учун мукамал манба йўқлигини кўп бора айтишади. Чиндан ҳам шундай. Русийзабонлар учун А.А.Арзамасовнинг «Узбекский язык. Самоучитель», А.Киссен ва Ш.Раҳматуллаевнинг «Узбекский язык для взрослых», Х.С.Мухитдинова, Д.М.Насиловнинг «Учебник узбекского языка» китобларигина бор.

Бундан ташқари, яқинда МЎТУЛ жамоаси ва Гулрухсор Эргашева томонидан тил даражаларига ажратилган «Ўзбекона» китоби ҳам нашрдан чиққан. Г.Эргашеванинг айтишича, Давлат тилида иш юритиш ва малака ошириш институтида ҳозир шу китоб асосида дарслар ўтилади. Китоб А1, А2, В1, В2 даражаларга ажратилган бўлиб, ҳар бир даражани 3 ойда битириб чиқиш мумкин.

«Дастлабки 4 дарсда воситачи тил инглиз, рус ёки турк тили бўлади. Бешинчи дарсдан бошлаб ўзбек тилида гаплаша бошлаймиз. Марказимизда ҳозиргача мингдан

ортиқ ўқувчи битириб келган бўлса уларнинг 700 нафардан ортиғи рус миллатига мансуб кишилар. Ҳозир луғатлар китоби устида ишляпмиз», — дейди Г.Эргашева.

Юқорида номлари саналган қўлланмалар йўқдан кўра бор деган маънода кўнгилга таскин беради. Чунки у қўлланмаларни ҳам тўлиқ мукамал, деб айтишга асос йўқ.

Саида Рашидова Америкада Нигора Азимова томонидан чиқарилган китобни инглизбабонларнинг ўзбек тилини ўрганишда фойдаланаётган китоби эканини айтди. Бироқ бу китоб ҳам дунё бўйича тасдиқланган тил ўрганиш стандартларига тўғри келмайди.

«Ҳар битта китоб эшитиш, ўқиш, гаплашиш ва ёзиш кўникмаларини алоҳида шакллантиришга йўналтирилиши керак. Шунда улар мукамал бўлади. Бундан ташқари, онлайн луғатлар ҳам йўқ. Ҳеч бўлмаганда шулар билан ҳам тилни мустақил ўрганиш мумкин бўларди», — дейди С.Рашидова.

Мактабларда ўтиладиган ўзбек тили дарслиги муаллифи Намоз Расулов эса тузилган китоблар ҳам жуда кам нусхада чиққанини, кўпчиликка мўлжалланганини айтади.

«Мана яқинда янги «Ўзбеккона» деган китоб чиққанини эшитиб хурсанд бўлдим. Лекин у ҳам санокли. Мен муаллифларни тўғри тушунаман. Муаллифлик ҳукуки бузилишидан кўрқиб, китобни тор доирада ишлатишяпти. Мустақил ўрганишни хоҳлаганлар учун топилиши қийин. Лекин у кенг оммага берилмаса, тилни қандай тарғиб қиламиз?

Ҳар бир тилни ўрганиш учун биринчи ўринда дарс китоби яратилади. Масалан, инглизларда дарс китоби, иш китоби ва шу 2 китобдан қандай фойдаланиш ҳақида қўлланма китоби бўлади. Ҳар қандай тилда шундай маҳсулотлар бўлиши керак. Афсуски бизда йўқ», — дейди Н.Расулов[8].

Турдош тилдаги болаларга ўзбек тилини ўргатиш учун уларда 4та кўникма-малакани ривожлантириш ижобий самара беради. Мактаб ёшидаги болаларда оғзаки нутқ кўникма-малакасини ривожлантириш учун психо-педагогик жиҳатларга, яъни 1-синф ўқувчисига асосий психик функциялар (ҳис этиш, эътибор бериш, хотира, тасаввурга эга бўлиш, идрок қилиш ва ҳ.к.) шаклланган бўлишига эътибор бериш лозим. Хусусан, кичик мактаб ёшидаги болаларни ўқитиш жараёнида уларнинг қизиқувчанлиги, гиперактивлиги, ижодкорлиги ва қобилиятига педагог алоҳида эътибор бериши лозим. Шуни айтиш лозимки, ушбу ёшда боланинг таълим олишга бўлган қизиқишининг юқорилиги, “Мен буни хоҳлайман” мотивдан “Мен буни қила оламан” мотивининг устуворлиги ақлий ривожланишга замин яратади. Айнан шундай мотивни шакллантириш учун яратилган комплекс машқларда қуйидагилар инобатга олинади:

- ўйин-машқлар боланинг фонетик эшитиш, нутқий қобилияти, ўқув мотивацияси ва ўз-ўзига баҳо беришни оширади;

- биргаликда ашула этиш тўғри артикуляция ва ритмни ҳис этишни шакллантиради;

- расм чизиш ва бўяш боланинг ақлий ва нутқий қобилиятини ривожлантиради[4:34].

Турдош тиллардаги болаларга ўзбек тилини ўргатиш жараёнида шахсий тажрибамизда синаб кўрилган ҳамда ҳамкасбларимиздан айримлари алоҳида таъкидлашган баъзи тамойилларга эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

1) XX1 асрда республикамизда амал қилаётган давлат тили – ўзбек тилини миллатлараро алоқа воситасига айлантиришга эришсин. Шу боис уни иккинчи тил сифатида эмас, балки давлат тили сифатида ўқитилишига алоҳида масъулият билан ёндашиш;

2) Таълим муассасаларида турдош тилли ўқувчилар учун табақалаштирилган таълимни жорий этиш ҳақидаги қарашни ўқув жараёнига татбиқ этиш[2:90];

3) Ҳар бир дарсда аудио-видео воситалардан имконият қадар кенгрок фойдаланишни йўлга қўйиш. Ўз навбатида, бу воситалар орқали намоёниш этиладиган маълумотларнинг мазмун моҳиятига, ифода тарзига, миллий менталитетимизга мос келишига, миллий қадриятларимизга мувофиқлигига эришиш, “миллатнинг фикри, миллат тафаккури ва миллат мафқурасининг энг илғор намуналари акс этиши керак”[5].

4) Янги асрнинг янги авлод дарсликлари ҳисобланган турли типдаги электрон дарсликлар, электрон версиялар яратиш ва бу яратилажак электрон нашрлардан ўрин оладиган ҳам илмий, ҳам амалий қоидалар, тавсияларнинг бугунги давр талабларига мувофиқ келишига эришиш. Ҳозирги кунгача фойдаланиб келинган дарслик ва қўлланмалар материалларини лингвистикадаги янгича йўналишлар, янгича қарашлар асосида тўлдириш. Бу ўринда ҳам ҳар бир миллат маданиятининг қиёсланаётган тиллардаги фарқларини кўрсатишга алоҳида эътибор қаратиш. Масалан, гендер лингвистикаси, грамматик гендер, гендер психологияси, лексик гендер, гендер морфологиясига оид маълумотларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

5) Ҳар бир мавзу доирасида бериладиган билимга далилий мисоллар саралаганда таълимнинг янги модели кўзда тутган барча имкониятлардан фойдаланиш лозим. Чунки ўз ақли, ўз тафаккурини ишга сола биладиган, ноёб қобилият ва истеъдодини намоён қила оладиган, у ёки бу фанга қизиқишини орттирувчи, баркамол шахснинг шаклланишига туртки берувчи, эркин ижодий мулоҳазаларига имкон ярата оладиган мустақил иш топшириқларига таълим берувчи шахс бу йўналишга ҳам кенгрок ўрин бериши, ўқувчиларда ўзбек тилининг ҳар бир унсури англатадиган ички маъно, когнитив белгиларни тушунтириб беришга, уларда ҳам ўзбек миллатининг ўзигагина хос бўлган лоқуналарни фарқлаб олиш кўникмаларини ҳосил қилишга, лингвوماданий талқинни кучайтиришга эришиши лозим.

6) Ўқувчининг дарсда ва уйда бажарадиган мустақил ишларининг мавзу доираси, бундай топшириқлардан кўзда тутилган мақсад ҳам бугунги кун талабларига, ҳар бир фаннинг, ҳар бир баҳс-мавзунинг мақсад, моҳиятига мувофиқ бўлиши керак.

**Хулоса (Заключение/Conclusion).** Хулоса қилиб айтганда, турдош тиллардаги болларни ўзбек тилига ўргатишда, аввало ўзбек тили тилшунослар томонидан келишилган ҳолда аниқ даража чегараси А1, А2, В1, В2, С1, С2 даражалари тугаш ва бошланиш нуқтаси белгиланиши, шу даражаларга мос турли тилларда луғатлар ишлаб чиқилиши ва у ҳамма учун очик бўлиши керак.

Бу тилда кўпроқ субтитрли видеоматериаллар тайёрлаш, «Aqlvoy» телеканалида бериладиган мультфимларни ҳам ўзбекча субтитрлар билан эфирга узатиш болаларни ҳам саводли бўлишида ёрдам беради.

Кўча-қўйдаги белгилар, йўл кўрсатувчи белгилар кабилар, аввало, она тилида бўлиши бошқа миллатларни ҳам ўзбек тилини тезроқ ўрганишига кўмак беради. Ўзбек тилини ўзимиз ҳурмат қилмас эканмиз, уни бошқа биров қандай ҳурмат қилсин?

## REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2020. – 456 б.
2. Айюб Ғуломов. Ўзбек тилшунослиги масалалари. – Т.: ЎзМУ, 2007. – Б. 90-92.
3. Гришанова И.А. Актуализация ситуации успеха при обучении иностранному языку младших школьников. // Журнал «Иностранный язык в школе», 2007, №8. – С. 28–29. Гришанова И.А. Программа формирования коммуникативной успешности у младших школьников. – Ижевск: 2000. - С. 34.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Т.: Шарқ НМАК, 1999. – 248 б
5. Сайфуллаева Р., Элмуродова Л. Тилнинг келиб чиқиши ҳақида мулоҳазалар. “Ўзбек тилшунослиги: тараққиёт тамойиллари, илмий муаммолар, истикболдаги вазифалар” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Тошкент, 2013. – Б. 25-26. Б. 24-27.
7. Трофимов Г.С. Педагогические основы обучения иностранным языкам. – Ижевск: Изд-во “Удмуртия”, 1999. – С. 7.
8. [https://kun.uz/news/2022/10/17/O'zbekchani o'rganishga o'zga millatlarda rag'bat yo'qmi yoki o'rgatishga bizda xohish?](https://kun.uz/news/2022/10/17/O'zbekchani%20o'rganishga%20o'zga%20millatlarda%20rag'bat%20yo'qmi%20yoki%20o'rgatishga%20bizda%20xohish?)
9. [https://nrm.uz/contentf?doc= Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон Фармони](https://nrm.uz/contentf?doc=Ўзбекистон%20Республикаси%20Президентининг%2020%20йил%2020%20октябрдаги%20ПФ-6084-сон%20Фармони)
10. [https://uza.uz/uz/posts/ Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида-22-10-2019](https://uza.uz/uz/posts/Ўзбек%20тилининг%20давлат%20тили%20сифатидаги%20нуфузи%20ва%20мавқеини%20тубдан%20ошириш%20чора-тадбирлари%20тўғрисида-22-10-2019)
11. <https://yuz.uz/news/ona-tiliga-sadoqat--vatanga-muhabbat-timsoli>
12. Siddikov, I. (2021). Gender Management Issues In Modern Pedagogy In Educational Institutions.
13. Bakhromovich, S. I. The Phenomenon Of Management And Leadership Personality In The Views Of Oriental Scholars. Chief Editor.
14. Siddikov, I. B. (2021). Modern Models Of Providing Autonomy Of Higher Educational Institutions (Analysis Of Foreign Countries Experience). Current Research Journal Of Pedagogics (2767-3278), 2(05), 25-31.
15. Bakhromovich, S. I. (2021). Development Trends And Transformation Processes In Academic Mobility In Higher Education In Uzbekistan And The World.
16. Bakhromovich, Siddikov Ilyosjon, And Maxamadaliyev Lutfillo. "Development Of Ecological Culture In Students In The Process Of Education Of History Of Uzbekistan. European Journal of Humanities and Educational Advancements 2 (5), 103-107
17. Siddikov, I. (2021). Traditions Of Philosophy, Fiqh And Philosophy In The Theological Views Of The Middle East. Interconf.
18. Bakhromovich, S. I. (2021). Factors Of Introduction Of Principles Of Institutional Autonomy To The Management Process Of Higher Educational Institutions. Berlin Studies Transnational Journal Of Science And Humanities, 1(1.5 Pedagogical Sciences).
19. Siddikov, I. (2021). Epistemological Significance Of Medieval Culture Of Islamic Intellectual Activity. Interconf.
20. Bakhromovich, S. I. (2021). Views On The Role Of Science In Human And Society Life In Islamic Teaching. International Journal Of Philosophical Studies And Social Sciences, 1(3), 79-86.

21. Bakhromovich, S. I. (2018). Social AndPhilisophical Performance Of Making Youth's Intellectual Culture. *European Science Review*, (7-8).
22. Siddikov, I. (2021). Epistemological Significance Of Medieval Culture Of Islamic Intellectual Activity. *Interconf*.
23. Siddiqov, I. (2022). Dialectical And Synergetic Features Of The Development Of Theological And Epistemological Views In Medieval Eastern Islam.
24. Siddiqov, I. B. (2022). Mutual Synthesis Of Medieval Islam Gnoseology And Theology.
25. Siddiqov, I. B. (2018). Social And Philisophical Performance Of Making Youth's Intellectual Culture. *European Science Review*, (7-8), 296-298.
26. Bakhromovich, S. I. Social And Physical Performance Of Making Youth's Intellectual Culture. *July–August*, 289.